



## ҚОРАҚАЛПОҚ МУСИҚА ОЛАМИДА КОМПОЗИТОР НАЖИМАДДИН МУХАММЕДДИНОВ ИЖОДИЁТИДАН

Қаллибек Мухаммеддинов

Нукус давлат педагогика институти  
«Санъат» кафедраси 2 курс магистранти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7485622>

### ARTICLE INFO

Received: 17<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 26<sup>th</sup> December 2022

Online: 27<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

*Musiqa, bastakor, opera, balet, simfoniya, vokal musiqasi, janri.*

### ABSTRACT

*Bastakor Najimaddin Muhammeddinov xalqimiz sevib sevgan ajoyib qo'shiqlari, opera, balet, simfoniya va orkestrlari tufayli Qoraqalpog'istonning jahon klassikasi darajasiga, cheksiz cho'qqilarga ko'tarilgan musiqqa madaniyatini rivojlantirishga ulkan hissa qo'shdi. xalq cholg'u asboblari.*

Қорақалпоқ халқининг арбобларидан бири, ХХ аср ва бугунги кунимизда миллий муסיқа санъатимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган жамоат арбоби, қадрдон устоз, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи, композитор Нажимаддин Мухаммеддинов 1937 йилнинг 26 августида Тахтақўпир туманида таваллуд топган.

Ўрта мактабни тамомлагач 1957-1961 йилларда Тошкентдаги Хамза номидаги муסיқа училищесида таълим олади. 1961 йилдан бошлаб Нукусга келиб, муסיқа училищесида скрипка синфи бўйича устозлик қилади. [1.Б.33]

1966 йилда Н.Мухаммеддинов муסיқа соҳаси бўйича назарий билимларини янада мустақамлаш мақсадида Олма-Ота шаҳридаги Қурманғазини номидаги Қозоқ давлат Консерваториясига, профессор Еркеғалий Рахмадиевнинг композиция синфига ўқишга тушиб, уни 1971 йилда мувоффақиятли тамомлайди.

1971-1986 йилларда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат филармониясининг бадий раҳбари, Қорақалпоғистон телерадио қўмитаси халқ чолғулари оркестрининг бадий раҳбари ва бош дирижёри, Қорақалпоғистон композиторлар уюшмасининг раиси лавозимларини бошқаради.

1986-1999 йилларда Маданият вазири, 1999-2005-йилларда Нукус давлат санъат колледжи директори лавозимларида ҳам фаол меҳнат олиб борди. 2005-йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда. [2.Б.112]

Н.Мухаммеддинов қандай қийин, машаққатли давлат вазифаларини бажаришига қарамай, муסיқа санъатининг сирли сўқмоқларидан мардоновор ўта олган қобилиятли инсон. Профессional композитор тинимсиз меҳнатлари натижасида қорақалпоқ муסיқа оламида янгилик



мактаб яратип мусиқа йўлида ўзига хос из солган композиторга айланди.

Бунинг бир мисоли тариқасида, улуғ шоир Ибройим Юсупов либереттосига ёзилган «Ажиниёз» операсини айтиб ўтиш жоиз. Қорақапоқларнинг тўнғич, миллий операси «Ажиниёз», Нажимаддин Мухаммеддиновнинг тинимсиз меҳнатлари меваси сифатида дунёга келди.

Ушбу асарига композитор халқ куйларини асос этиб олди. Уларни симфоник оркестрга қўшиб, ўзининг қалбидан қайнаб чиққан ёруғ рангли мусиқа садолари ила суғориб бойитиб ёзди ва тингловчиларни эркисиз жалб этадиган, профессионал мусиқали миллий образлар галереясини яратди. Бу образлар бугунги куни опера жанридаги дунё юзи ижрочилари қаторига кириб келаётган Элиза Айтниязова, Роза Қутекеева, Абат Қаллиев, Кеңесбай Сержанов, Толыбек Хожаназаров, Мақсет Хожаниязов, Жеңисбек Пиязовларнинг репертуарларидан катта ўрин олиб, жаҳон ареналарида қорақалпоқ ариялари янграмоқда. [3.]

Шундай қилиб, Нажимаддин Мухаммеддинов қорақалпоқ миллий композитори сифатида, ўз халқини, унинг улуғ даргалари бўлган Ажиниёз ва Ибройимдек шоирларни улуғлаш орқали – ўзи ҳам улуғ арбобга айланди. Бундай катта асарлар Нажимаддин оғанинг ижодида кўпчиликни ташкил этади. Масалан: «Ойжамол» номли биринчи миллий балети, Н.Дўқараевнинг «Алпомиш» мусиқий драмаси, К.Раҳмановнинг «Тоғыз тоңқылдақ бир щичкилдек» мусиқали комедияси, «Қорақалпоғистон» кантатаси, «Посқан эл» симфоник

поэмаси ва бошқаларни айтсак арзийди. Шуларнинг орасида диққатга сазовори Н.Дўқараевнинг «Алпомиш» пьесаси. Бу пьесага ёзилган Н.Мухаммеддиновнинг куйлари спектакльга янгича ранг, янги овоз, мазмун бериб бойитди, шу билан бирга дostonларимизни, ундаги образларни уйғотиб, қайта тикланишига ижобий таъсирини теккизди.

Алпомиш достони авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқимизнинг қаҳрамонлик достони. Н.Даўқараев Москвалик композитор В.Г.Шафранников билан бирга «Алпомиш» мусиқали драмасини ёзиб, унга тайёргарлик кўраётган бир пайтда иккинчи жаҳон уруши сабабли тўхтаб қолган эди. Шунда ҳам Н.Даўқараев пьесанинг тайёрликларини тўхтатмасдан, режиссёр ва композиторлар билан бирга сахналаштириш ишларини олиб боради. Натижада 1942-йилда режиссёрлар Ж.Обидов ва Т.Алланазаровлар асарни театр сахнасига олиб чиқади. [4]

2008 йил 9 май «Хотира ва кадрлаш куни»га бағишлаб ушбу бебаҳо мерос қайта тикланиб, Н.Ансатбаевнинг режиссёрлигида томошабинларга инъом этилди. Спектаклнинг қайта туғилиб, янгидан сахнага тушишида Н.Мухаммеддинов мусиқасини ёзган ва бошдан оёқ оркестровкасини қайта ишлаган, шу билан бирга биринчи сахнавий вариантыдаги халқнинг кўнглига яқин бир-икки арияни эски ҳолида қолдириб, айна уруш пайти Москвадан келиб, меҳнат қилган В.Г.Шафранниковнинг номини қайта сахналаштирган вариантыда ҳам қолдиради.



Ушбу мусиқали драма профессионал усулга кириб, сахнада кучли ариялар, дуэт, трио ансамбллари, хор ва рақс куйлари, ривожланган формадаги увертюра қўшилиб, асар бадий жиҳатдан бойишига мувоффақ бўлди ва спектаклнинг янги варианты эскига қараганда янгича тус олди.

Нажимаддин оға, халқимизда эртадан айтилиб келинаётган қўшиқ жанрида ҳам, ёрқин талантига хос, ажойиб янгиликлар киритди. Энг дастлабки ёзилган «Кўл ёқасида», «Бир оғиз сўз севаман», «Нукус вальси» асарларидан бошлаб, консерваторияни тамомлаганидан кейинги янги туркумдаги «Кўнгил кўнгилдан сув ичар», «Бўлмаса», «Яна Жайхун бўлиб оқиб келдинг», «Қиз ҳаёлини билмасанг», «Ёр-ёр айтайин», «Кенг дала», «Бахтим Аму бўйи», «Аму ҳинжиси», «Ота маконим» ва бошқа қўшиқлари мусиқамиз хазинасига яна бир катта хазина бўлиб қўшилди ва

ёқорида атаб ўтган ижрочиларимиз қаторида, халқимиз севиб тинглайдиган Базарбай Надыров, Байрам Матчанов, Өтебай Темирханов, Гўлпаршын Сырымбетова, Бийбираба Өтепбергенова, Тамара Дошумова, Мырзагўл Сапаева, Гўлхатиша Айымбетова, Алтынгўл Эжиниязовалар каби санъаткорларимиз овозида янграб, халқимизнинг руҳини парвозлантирди ва кўнглига илҳом бағишлади.

Ушбу қўшиқларнинг ҳар бирида композиторнинг ўзига хос ажойиб қобилиятининг, баланд чўққиларга интилган излари дарҳол сезилади. Масалан, миллий колоритга бой жилоли мелодияларнинг тематик жиҳатдан кенглиги, ҳар бир қўшиқнинг мазмунига қараб эркин ҳолда тузилган мусиқали шаклининг чиройи, гармониянинг гўзал дунёсидан топган ундош овозлари каби куйнинг энг сирли йўллари аниқ кўзга ташланади. [5]



**Расмда: Чап томонида- ўмирлик йулдоши композитор Абадан Сапарова, ўртада- Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистан Матъякубова ва композитор Нажимаддин Мухаммеддинов**



Бошқа жанрларни айтсак, «Аңғалақ», «Дали йигит», «Қиз-йигитлар рақси», «Рўмолли қизлар», «Жилва» номли рақслари сахнамизнинг қаддини баланд кўтариб, халқимизга эстетик завқ бериб, янги марраларга чорлади.

Кўпгина халқ куйларини симфоник ва халқ чолғулари оркестрлари учун қайта ишлаб, бойитиб берди.

Н.Мухаммеддинов 1986-1999-йилларда Маданият вазирлигини бошқариб турган пайтларида, кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Санкт-Петербургда Консерваторияси вокал бўлимига Толыбек Хожаназаров, симфоник оркестр дирижёри бўлимининг икки йиллик ўқув курсига Қурбанбай Заретдинов, Москвага 2 йиллик режиссёрлик курсига Баўетдин Баймурзаев, Бердибай Өтебаев ва Турдыбай Хожасовлар, Ташкент консерваториясининг вокал бўлимига Роза Қутекеева, Элиза Айтниязовалар ўқишга юборилди. Булар ҳозирги пайтда Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг етакчи ходимлари бўлиб халққа хизмат қилмоқда. Тошкент Консерваториясининг симфоник оркестр дирижёрлиги факультетини тамомлаган Аида Абдуллаева бир неча йиллардан бери Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида етакчи дирижёрлар қаторида ишлаб келмоқда. Ундан ташқари Тошкент хореография училищесини кўпгина раққосаларимиз битириб келди. Янги драматурглар, режиссёрлар, балетмейстрлар етишиб чиқди. [6.Б.65-66]

Бу имкониятлар асосида театримизнинг штат бирликлари кенгайди, янгидан балет труппаси, хор жамоаси очилди, катта симфоник оркестр тузилди. Бу

ғамхўрликлар натижасида театримиз сахнасида опералар, балетлар, симфоник концертлар ва бошқа жанрлардаги асарлар сахна юзини кўрди. Юқорида айтиб ўтганимиздек «Ажиниёз» операси, Сергей Рахманиновнинг «Алеко» операси, Соломон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси, «Ойжамол» балети, қайта ишлаган ва янгидан қўйилган мусиқали драмалардан «Алпомиш», «Ғариб ошиқ», «Уч бўйдоқ», «Адолатга ҳиёнат», «Виждон», «Ёр васли», «Қизинг орномусинг» ва бошқа асарларни айтиб ўтиш ўринли.

Мустақиллигимиздан сўнг 1992-йилда Нукусдаги Ж.Шамуратов номидаги санъат колледжидан Миллий мусиқа ва эстрада бўлимлари очилди. Бугунги куни унинг талабалари йилдан йилга ортиб, ота-боболаримизнинг сақлаб келаётган миллий меросимизни ўрганиб, таълим олмоқда. Дастлабки битирувчилари халқимизга ҳизмат қилиб, республикамызда ўтказилиб келинаётган барча катта концертлар, тадбирлар, анжуманлар ва халқаро фестивалларда ўз маҳоратлари билан миллий мусиқамизни дунё юзига танитиб келмоқда. [7.Б.276-278]

Яна бир айтиб ўтадиган жойи, Н.Мухаммеддиновнинг маданият вазири бўлган даврида маданиятимизнинг ва санъатимизнинг ҳаётини, янгиликларини кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида Республикамызда биринчи марта «Қорақалпоғистон маданияти» газетаси нашрдан чоп этилди.

Ўстозлик йўли ҳақида айтсак, Нажимаддин оға бугунги кунга қадар кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш,



маҳоратини намоён этиш йўлида оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келаётган инсон. Унинг тарбиясини олган шогирдларидан Мақсет Утемуратов, Сэрбиназ Аннақулова, Рашид Хожасов, Ғайрат Бекчанов, Гўлназ Утеповалар «Ниҳол» давлат мукофоти совриндорлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист даражасига етди. [8]

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврдан бошлаб бугунги кунгача барча катта тадбирлар, Мустақиллик ва Наврўз шодиёналарининг бадиий ва мусиқий раҳбари сифатида кўплаб байрам томошаларининг юқори савияда, мазмунли ўтишида ўз ҳиссасини аямай сафарбар этиб келмоқда. Бугунги кунда композитор Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистан Матъякубова либреттосига «Қириқ қиз» достони асосида ёзилган «Гулойим» операсини яратиш саҳнага олиб чиқди.

Қайси халқнинг мусиқа тарихига назар ташласак, унинг миллий мусиқа маданиятини дунёга танитган истеъдод эгаларини кўрамиз. Масалан: Польшада- Фридерих Шопен, Венгрияда- Ференц Лист, Россияда- Михаил Глинка, Пётр Ильич Чайковский, Сергей Рахманиновлар бўлса, Қорақалпоқ мусиқа маданиятини, ўзининг - халқимиз севиб тинглаган ажойиб кўшиқлари билан, йирик жанрларида яратган опера, балет, симфоник ва халқ чолғу асбоблари

оркестралига мослаб ишлаган асарлари билан миллий мусиқамизни дунёвий классика даражасига етказиб, чексиз чуққиларга юксалтиришда Нажимаддин Мухаммеддиновнинг фидойи ишлаган хизматлари алоҳида эканлигини айтиб ўтиш ўринли. [9.Б.267]

Н.Мухаммеддиновнинг мана шу каби меҳнатлари халқимиз ва ҳукуратимиз томонидан одилона баҳоланиб борилди. Яъни, композитор 1974-йилда «Қорақалпоғистон санъат арбоби», 1977-йилда «Ўзбекистон санъат арбоби», 1974-йилда Хамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти, 1994-йилда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофотларини олишга муяссар бўлди. 2002-йилда «Меҳнат шуҳрати», 2007-йилда «Эл-юрт хурмати» орденлари ва 2019-йилда эса «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди. [10] Н.Мухаммеддинов Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи, Қорақалпоқ халқининг дастлабки миллий операсининг, тўнғич балетининг, биринчи симфониясининг муаллифи бўлиши билан бирга XX аср ва бугунги кунимизда ҳам кенг қулоч ёйиб, санъатимизнинг катта мевали дарахти сифатида шохларини ҳали ҳам баландлатиб, катта чуққиларга қараб талпинаверади дея ишонамиз. Н.Мухаммеддиновнинг ҳаёти ва ижодида катта зафарлар, куч-ғайрат тилаб қоламиз.

## References:

1. Allanazarov D. "Qaraqalpaq irg'aqlari" . «G'afur G'ulom» нашриёти Toshkent – 2019 jil
2. Allanazarov D. "Qosiq aytsam" . «G'afur G'ulom» нашриёти Toshkent 2019 i.
3. Базарбаев Ж. «Нызамлы ўақия, қунлы доретпе» Гимн ҳаққинда ойлар. «Еркин Қарақалпақстан газетасы » 1994-жыл 12 апрель.



4. Балтамурастов А. «Қөркем өнеримиздеги ири тулға» «Еркин Қарақалпақстан», 2004-жыл 17 апрель.
5. Жүзимбетов А. «Қарақалпақтың Қырық қызы» («Гулайым» операсынан кейинги ойлар), «Қарақалпақ әдебияты» газетасы, октябрь 2019 жыл №10 (106)
6. Заретдинов Қ. «Қарақапақ музыка әдебияты» Нөкис ҚМУ киши типографиясы, 2012 жыл.
7. Матъякубова Г. «Қарақалпақ саз дүньясының сәрдары», Билим баспасы 2017-жыл.
8. Машарипова Т. «Ғарезсизлик қосығы – Гимннің публистицикалық пафосы», «Қарақалпақстан мәдениаты» газетасы, 2017-жыл 3 июнь.
9. Надырова А. «Қарақалпақ музыка тарийхы» 2018 жыл.
10. Пайзуллаева Ш. «Саз әлеминиң қудирети» «Еркин Қарақалпақстан» 2004-жыл 15 январь.
11. Торешова Н. «Музыкамыздың байтереги» «Еркин Қарақалпақстан» газетасы 2006-жыл 9 декабрь
12. Тюгай Галина. «Творческая неуспокоенность и поиск» «Вести Каракалпакстана» 2007 жыл 6 октябрь.